

Профессионал ҳамжамият, бизнес ва ДСҚ Жамоатчилик кенгаши аъзолари иштирокида учрашув

2022 йил 27 январ куни Давлат солиқ қўмитасида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги мутахассислари, Давлат солиқ қўмитаси Жамоатчилик кенгаши аъзолари, солиқ маслаҳатчилари, бухгалтерлар ва аудиторлар иштирокида учрашув ташкил этилди.

Йиғилиш аввалида давлат солиқ хизмати органлари ва бизнес ҳамжамият ўртасида алоқаларнинг етарли эмаслиги ҳамда зарур маълумотлар тўлиқ алмашилмаётгани солиқ тўловчиларнинг солиқ маъмуриятчилигининг рақамли трансформацияси ва солиққа тортиш соҳасидаги ўзгаришларни нотўғри тушунишларига сабаб бўлаётгани таъкидланди.

Жамоатчилик фикрини ўрганиш натижаларига кўра, фикр-мулоҳазаларни оператив тарзда олиш мақсадида ихтисослашган мутахассислар, аудитор ва солиқ маслаҳатчилари, тадбиркорлик субъектлари ва ОАВ вакиллари иштирокида мунтазам равишда мавзуга оид суҳбатлар ўтказишга қарор қилинди.

Давра суҳбати иштирокчилари янги ўзгаришлар билан таништирилди

Тадбир давомида солиқ тўловчиларга автоматлаштирилган тизимлар ва хизматлардан фойдаланиш тартибига киритилган ўзгартиришлар ҳақида маълумот берилди.



Хусусан, “Е-aktiv” автоматлаштирилган ахборот тизимидан фойдаланиш ихтиёрий бўлиши айтилди. 2022 йил 1 апрелдан “Е-aktiv” дастурида фақат 4 тоифадаги товарлар – цемент, шиша, ёғоч ва пахта бўйича операциялар акс эттирилади. Бошқа маҳсулот гуруҳларини ҳисобга олиш босқичма-босқич амалга оширилади – ҳар чорақда бир нечта маҳсулотлар бўйича. “Е-aktiv” тизими “товарсиз” операцияларнинг олдини олишга хизмат қилиши ҳам та’кидланди.

Давлат солиқ хизмати органлари бу борада бизнес, жамоатчилик ва ОАВ вакиллари билан фаол ҳамкорлик қилиб, конструктив мулоқот олиб боришга тайёр.

“Е-aktiv” ААТдан фойдаланмаганлик ҳамда товарга (хизмат) мос келмайдиган маҳсулот ва хизмат индентификатсия кодлари (МХИК)ни нотўғри кўрсатганлик учун жавобгарлик чораларини қўлламаслик 2022 йил 1 сентябрга қадар узайтирилди.

Шунингдек, маҳсулот ва хизматлар учун кодларни бириктириш бўйича ишлар давом эттирилиши та’кидланди. Агар товарлар ва хизматлар таснифламаса ва идентификасия қилинмаса, унда бозорни кузатиш ва таҳлил қилиш жараёнлари, шунингдек ривожланиш даражасини ва зарур маҳсулотлар билан тўйинганлигини самарали баҳолаш мураккаблашади.

Фақат қўшилган қиймат солиғи (ҚҚС) тўловчиларига тааллуқли хавфларни таҳлил қилишнинг автоматлаштирилган тизимига алоҳида э’тибор қаратилди. Мазкур тизим 2021 йилнинг сентябрь ойида тест режимида жорий қилинган. Автоматлаштирилган тизим ёрдамида солиқ тўловчилар Вазирлар Маҳкамасининг 595-сон қарори кучга киргунга қадар 3 ой давомида 18 та мезон бўйича хавф омилларини бартараф этишлари мумкин эди.

2023 йил 1 январга қадар солиқ хавфи даражаларининг қуйидаги мезонларини қўллаш тўхтатилгани ма’лум қилинди.

Солиқ хавфининг юқори даражаси бўйича учта мезон:

– раҳбар шахсининг ёки молиявий бошқарув вазифаларини амалга ошираётган шахсининг ЯММТ да тасдиқланмаганлиги;

– ўз кўчмас мулки, ижарага олинган ёки текин фойдаланилаётган кўчмас мулки йўқлиги;

– солиқ тўловчининг манзили номинал жойлашган жой манзили билан тўғри келиши (18 квадрат метрдан кам);

Солиқ хавфининг ўрта даражаси бўйича иккита мезон:

– охириги ўн икки ой ичида солиқ ҳисоботларини ўз вақтида тақдим этмаслик ҳолатлари мавжудлиги;

– ёлланма ишчилари йўқлиги ёки 4 нафардан камлиги.

Солиқ хавфи мезонларининг юқорида келтирилган 3 та юқори даражаси аниқланганда, ҚҚС гувоҳномасининг амал қилиш муддати тўхтатилмайди. Шунингдек, қайд этилган солиқ хавфининг 2 та ўрта даражаси ҳам солиқ назорати ўтказиш учун асос бўлмайди.

Ушбу мезонларни тўхтатиб туриш йирик солиқ тўловчилар ва ҚҚС тўловчи сифатида янги рўйхатдан ўтганларга нисбатан қўлланилмайди.

Муҳокама чоғида 69 минг солиқ тўловчи юридик шахсдан 21 мингтаси кўчмас мулк қийматини ҳаққоний акс эттираётгани ва мунтазам равишда солиқ тўлаб келаётгани та'кидланди. Солиқ солиш мақсадларида 1 кв.м учун мутлақ миқдорда белгиланган минимал қийматларнинг жорий этилиши бозорнинг барча иштирокчилари учун тенг шароитлар яратиш учун зарур чора ҳисобланади.

Бутун республика миқёсида солиқ юкининг кескин ошишига йўл қўймаслик мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва халқ депутатлари вилоятлар Кенгашлари томонидан камайтирувчи коэффитсийентлар кенг қўлланилади.

Ягона мол-мулк мажмуининг бир қисми ҳисобланган ҳолда (мустақил) турувчи бино ёки иншоотларда алоҳида баҳолаш ўтказиш мумкин.

Бундан ташқари, 1 кв.м. учун минимал қиймат сув ҳайдаш миноралари, резервуарлар, соябонлар, бетон майдончалар ва деворлар (бордюрлар) ҳамда бошқа шунга ўхшаш объектларга татбиқ этилмайди.

Солиқ тўловчи томонидан 2020-2021 йилларда ўтказилган мустақил баҳолаш натижалари солиқ базасини аниқлаш учун қабул қилинади.



Бизнес ҳамжамият билан конструктив мулоқот

Ўзбекистон бухгалтерлар ва аудиторлар миллий ассоциацияси вакиласи, ДСҚ Жамоатчилик кенгаши аъзоси Светлана Голосова солиқ занжири узилишларини қўллашни "тўхтатиб туриш" ва зарурий такомиллаштиришлар бўйича ўз фикрларини билдирди.



Мутахассисларнинг таъкидлашича, шу вақтгача солиқ тўловчининг контрагентини баҳолаш механизми мавжуд бўлмаган. Ҳозирги вақтда солиқ узилишлари занжири фақат информатсион характерга эга ва у солиқ жавобгарлиги чораларини кўриш ва ҚҚСни қоплашда ҳисобга олинмайди. Келиб тушаётган мурожаатларни инобатга олган ҳолда, узилиш коэффитсийентини аниқлаш формуласига солиқ имтиёзлари бериш нуктаи назаридан ўзгартиришлар киритилади.

Солиқ узилиши коэффиценти ҳам ҚҚС тўловчининг таҳлика-таҳлил тизими билан ўзаро боғлиқ эмас.

Электрон ҳужжат айланиши оператори вакили Асқар Исмоилов МХИКни жорий этиш бўйича роуминг операторлари билан оператив ҳамкорликни ташкил этиш ташаббуси билан чиқди. Давлат солиқ қўмитасининг тегишли бошқармалари раҳбарларига амалий ёрдам кўрсатиш учун мутахассисларни аниқлаш топширилди.



Бухгалтерия ҳисоби бўйича консалтинг компанияси асосчиси Наталя Туралинова “E-aktiv” тизимида фақат миқдорий ҳисобларни юритиш ва товарларнинг пул қийматидан воз кечиш таклифи билан чиқди. Шунингдек, у жорий этилган ахборот тизимларидан фойдаланишда иш жараёнларини тўғри ташкил этиш орқали қийинчиликларнинг олдини олиш мумкинлигини таъкидлади.



Солиқ маслаҳатчиси Наргиза Болтахўжаева “E-ijara” хизматида хорижий фуқаролар – жисмоний шахслар билан тузилган ижара шартномаларини рўйхатдан ўтказиш ва доимий муассаса орқали фаолият

юритмайдиган норезидентларнинг мол-мулк солиғи ҳисобини тақдим этиш масалаларини кўтарди.



Масъул шахсларга ЖШШИР киритилгандан сўнг валюта танлаш имкониятини техник топшириқларга киритиш ва зарур маълумотларни акс эттириш билан боғлиқ камчиликларни бартараф этиш топширилди. Шунингдек, яқин келажакда ижара ҳақини базавий ҳисоблаш миқдори (БҲМ) асосида автоматик равишда ҳисоблаш алгоритминини ишлаб чиқишга қарор қилинди.



Рента солиғи бўйича батафсил тушунтириш ва кўрсатмалар тайёрлаш таклиф этилди.

Тадбир якуни бўйича ДСҚ тузилмалари раҳбарларига тегишли топшириқлар берилди.